



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИНИНГ ЯХШИЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Сапаров Мурод

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ORCID: 0009-0002-5767-2636
saparovmurod11@gmail.com

и.ф.д., проф. **Мирзаев Қулмамат**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ORCID: 0009-0008-8558-2455
kulmamatmirzaev@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга эришиш йўллари асосланган. Камбағаллар жамиятнинг иқтисодий фаол қисми ҳисобланади, агар уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилса, ишчилар ёки тадбиркорлар сифатида иқтисодий ўсиш жараёнларида ҳам иштирок этишлари мумкинлиги бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, хизмат кўрсатиш, сервис, ҳудуд, аҳоли турмуш даражаси, сифат, камбағалликни қисқартириш, рақобатбардошлик, инвестиция.

РАЗВИТИЕ СЕКТОРА УСЛУГ ОБЕСПЕЧИВАЕТ УЛУЧШЕНИЕ УСЛОВИЙ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ ДЕРЕВНИ

Сапаров Мурод

Самаркандский институт экономики и сервиса
д.э.н., проф. **Мирзаев Қулмамат**
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье представлены пути сокращения бедности посредством быстрого развития сектора услуг. Бедные слои населения являются экономически активной частью общества, и если расширить их возможности для участия в производственной деятельности, они также смогут участвовать в процессах экономического роста в качестве работников или предпринимателей.

Ключевые слова: бедность, предоставление услуг, услуга, территория, уровень жизни, качество, сокращение бедности, конкурентоспособность, инвестиция.

DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR ENSURES IMPROVEMENT OF LIVING CONDITIONS FOR THE VILLAGE PEOPLE

Saparov Murod

*Samarkand Institute of Economics and Service
DSc, prof. Mirzayev Qulmamat
Samarkand Institute of Economics and Service*

Abstract. *This article presents ways to reduce poverty through rapid development of the service sector. The poor are an economically active part of society, and by expanding their opportunities to participate in productive activities, they can also contribute to economic growth as workers or entrepreneurs.*

Keywords: *poverty, service provision, service, territory, standard of living, quality, poverty reduction, competitiveness, investment.*

Кириш.

Маълумки, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли учинчи йўналишида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган (Farmon, 2017).

Хусусан, мамлакатимизда инсон шаъни ва фаровонлигини ошириш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонда мамлакатимиз иқтисодий янада эркинлаштириш ва иқтисодий ҳаётимизга бозор механизмларини кенг жорий қилиш йўналишлари белгилаб берилган.

Бу вазифаларнинг бажарилиши олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга чиқаришни тақозо қилади. Бунинг учун давлатнинг иқтисодийдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Булардан келиб чиқиб, бугунги кунда қилинаётган ишларнинг натижадорлигини оширишга қаратилган иқтисодий бошқаришнинг аниқ ва шаффоф инновацион омилларни фаоллаштиришга йўналтирилган механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мазкур вазифаларни бажариш, энг аввало, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилгандир. Бундаги муҳим вазифалардан бири камбағалликни қисқартиришга ҳам қаратилгандир. Ушбу вазифаларни бажариш учун кўп жиҳатдан иқтисодийнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини оширишни тақозо қилади.

Чунки эркин иқтисодий шароитида рақобат муҳитининг мавжудлиги албатта ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларни хушёр бўлишликка, самарали фаолият кўрсатишга ундайди. Бунга эришиш учун тадбиркорликни ривожлантириш, бунга фундаментал шароитларни яратиш бериб, шунинг ҳисобидан янги ва барқарор иш ўринларини яратиш лозим бўлмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Буюк файласуф Афлотун давлатни табиатнинг ўзи ҳосил қилган одамлар жамоаси деб ҳисоблаган ва у биринчи марта аҳолини икки қисмга бўлиш муқаррарлиги ҳақида фикр билдирди: бой ва камбағал. Бироқ, Платон илмий ташкил этилган жамият адолат тамойилларини амалга ошириши, ижтимоий барқарорлик ва ички интизомни таъминлаши кераклигини илгари сурди, шунингдек камбағалликдан чиқариш бўйича ҳаракат, инсон ҳаёти давомида фаровон яшаш учун интилиши одатий ҳол сифатида қабул қилишган ва уни қўллаб-қувватлаш лозим деб ҳисоблашган (2021).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази Бош илмий ходими Бахтишод Хамидов (2020) таъкидлашича: “Баъзилар камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини тушунса, бошқалар – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечиришни, учинчи томон эса – инсоннинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни-сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади. Умумий қараганда, камбағалликни баҳолаш бир нечта аниқ белгиланган кўникма ва усулларни талаб қилади” - деган ғояни илгари суради.

Профессор Муҳаммедов (2020) фикрича “Камбағал аҳоли деганда икки тоифани назарда тутиш мумкин, биринчи тоифа камбағал аҳоли – бу ўз ҳаётини тузатишни истамайдиган, истаса-да, бунга ҳаракат қилишга дангасалик қиладиганлар. Иккинчи тоифаси эса маълум сабаблар туфайли шундай ҳолга келиб қолган, ишлашни истайдиган, аммо баъзи сабаблар билан бунга имкон тополмаган инсонлардир” деб таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонни ривожлантириш шароитида, ҳар бир оилада мавжуд муаммолар ўрганиш орқали камбағаллик даражасини пасайтириш масалаларига алоҳида урғу берилган. Камбағалликни қисқартириш масалаларини ўрганишда белгилаш, таҳлил қилиш, синтез, тизимли таҳлил, кузатув-анкеталаш усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Камбағалликка қарши чоралар: макроиқтисодий ва микро даражадаги сиёсат Камбағалликка қарши кураш бўйича тавсиялар кам таъминланган уй хўжалиқларининг хусусиятлари, жамият ҳаётида иштирок этишда иқтисодий-ижтимоий тўсиқлар ва ривожланишнинг истиқболли йўналиш-лари, шунингдек, макроиқтисодий ва микро даражада сиёсатга асосланган бўлиши уларнинг муваффақиятини белгилайди.

Инклюзив бизнес моделларини ишлаб чиқиш. Бугунги кунда дунёда аҳолисининг кам таъминланган қатламлари энергия, сув таъминоти, канализация, ахборот технологиялари каби кўплаб соҳаларда сезиларли даражада қондирилмаган эҳтиёжларга эга. Шу билан бирга, ривожланган давлатлар иқтисодиётининг турғунлиги шароитида кам таъминланган гуруҳлар иштирокидаги бозор сегментларининг жозибadorлиги ошиб бормоқда.

Камбағаллар жамиятнинг иқтисодий фаол қисми сифатида, агар уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилса, ишчилар ёки тадбиркорлар сифатида иқтисодий ўсиш жараёнларида ҳам иштирок этишлари мумкин. Шунинг учун зарур билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш ва камбағалларнинг таълимига инвестиция киритиш ривожланишнинг асосий омилидир.

Бундан ташқари, мазкур инклюзив бизнес моделлари бозор шароитларига мослаштирилиши керак, бу ерда институтлар, инфратузилма ва таълим даражаси

нисбатан паст, тақдим этилаётган маҳсулотлар ва хизматлар дўконларда арзон бўлиши, мақбул ва фаол равишда реклама қилиниши керак бўлади. Бундай маҳсулотлар тан нархи ва сотиш баҳоси ўртасидаги кичик фарқ билан тавсифланади, аммо савдо ҳажми катта бўлади. Бу нафақат арзон товарларни, балки камбағалларнинг қондирилмаган эҳтиёжларини қондира-диган қадриятларни яратишни ҳам англатади.

Одатда, ялпи ички маҳсулот ўсиши юқори бўлган давлатлар камбағал-ликни камайтиришда ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Бироқ, дунё тараққиёти тарихида кўплаб тескари мисолларни топиш мумкин. Бунинг сабаблари турли хил иқтисодчилар томонидан турли йўллар билан изоҳланади. Масалан, баъзи мамлакатларда (Колумбия ва Марокаш) ушбу вазиятнинг сабаби иқтисодий ўсишга параллель равишда ўсиб бораётган даромадлар тенгсизлигининг таъсири бўлиши мумкин (Колумбияда фаол иқтисодий ўсиш даврида Жини индекси 51,3дан 58,3гача кўтарилган).

Бошқа давлатлар учун давлат муассасаларининг иш сифати пастлиги ва бошқа институционал омиллар кўрсатилган (масалан, Филиппинда давлат муассасаларининг сифати 1998 йилдаги 3,3 дан 2006 йилда 2,5 гача пасайган) (2019). Бинобарин, иқтисодчилар иқтисодий ўсишнинг самаралари автоматик равишда аҳолининг барча қатламларига таъсир қилиши чекланганлиги туфайли давлатнинг қайта тақсимлаш ролини ҳисобга олишга ундайдилар.

Шундай қилиб, давлат аралашуви иш билан таъминлаш, солиққа тортишнинг прогрессив тури, ижтимоий харажатлар ва энг кам иш ҳақи сиёсатида йўналтирилган таркибий ислоҳотларни рағбатлантириш кабиларни ўз ичига олиши лозим. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги аёлларни иш билан таъминлаш дастурини мукамалроқ кўринишини қабул қилиши, хусусан, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш ва болаларни эрта ривожланиш марказларида бўлишларини рағбатлантириш, расмий иш кунда бандликни ёки иш вақтининг мослашувчан давомийлигини ва тақсимланишини таъминлайдиган янги иш ўринларини яратиш, иш ва аёлларнинг шахсий ҳаётини мувофиқлаштириш каби масалаларни инобатга олиши мақсадга мувофиқ.

Ривожланаётган давлатлар шароитида малакасиз ишчи кучининг ҳаддан ташқари кўплиги молиявий ва моддий ресурсларнинг етишмаслиги тенденцияси устунлик қилади, бу асосан меҳнат ресурсларини талаб қиладиган соҳаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқлигини билдиради. Бунга қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат, шунингдек, юқори технологияли ишлаб чиқариш турлари – монтаж, йиғиш, компьютер ишлаб чиқариш, оргтехника, саноат электр жиҳозларининг айрим турлари ва электротехника каби соҳаларни киритиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасида, хусусан алоқа ва ахборотлаштириш, маиший хизмат, банк ва бизнес хизматларида (консалтинг, аудит, лизинг, суғурта ва бошқалар) кичик бизнесни ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тадбиркорларга хизмат кўрсатиш, шу жумладан маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатиш, чорва учун озуқани сотиш хизматлари, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматлари, ветеринария хизматларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти не чоғлик муҳим эканлиги унинг бевосита жаҳон рейтингларидаги кўрсаткичларда қандай жойни эгаллаши билан боғлиқдир. Иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳолатини акс эттирувчи халқаро рейтинглар Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳитининг анча суст ривожланишини кўрсатади. Афсуски, Ўзбекистон бир қатор муҳим рейтингларда, масалан, Global Entrepreneurship Monitor рейтингда йўқ, 1-жадвал.

Халқаро рейтинглар индекс кўрсаткичларида Ўзбекистоннинг ўрни

№	Индекс	Таъриф	Ўзбекистон Республикасининг позицияси	Индексда иштирок этаётган давлатлар
1	Index of Economic Freedom, 2019	Иқтисодий эркинлик индекси, яъни фуқаролар учун зарур бўлган ҳимоя ва эркинликдан ташқари, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилишга давлат аралашуви ва тўсқинликларининг йўқлиги.	140	180
2	Doing Business, 2020	Хизмат кўрсатиш фаолиятини кенгайтиришга ёрдам берадиган кўрсаткичлар ва уни чекловчи мезонлар	69	186
3	Indigo Index, 2018	Хом-ашё ва табиий ресурслардан фойдаланишдан инновациялар ва технологиялардан фойдаланишга ўтиш шароитларида иқтисодиётнинг мослашувчанлиги ва ривожланиш қобилиятини баҳолаш	128	180

Манба: [Uzbekistan2035/uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf](https://uzbekistan2035.uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf). Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси асосида муаллиф томонидан тузилди.

Куйидаги жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки, ҳали бу соҳа ривожини учун қилинадиган ишлар ҳали жуда кўпдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бу кўрсаткичларда муносиб ўринни эгаллаши мамлакатимиз тарраққиётининг юксак поғоналарни эгаллаши билан белгиланади. Тадбиркорлик субъектлари мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда, бу соҳани кенгайтириш, бошқарувни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш асосида белгиланган вазифаларини тўлиқ бажаришни таъминлаш ва ривожлантиришда янги сифат босқичига ўтишини таъминлашдан иборат.

Дунёнинг илғор тажрибаларига асосланган маҳаллий кам таъминланган оилаларни жалб этган ҳолда экотуризмни ривожлантириш дастури қабул қилиш имконияти ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалиги экинларини чуқур қайта ишлаш ва ривожланган мамлакатларнинг бозорларига экспорт қилишнинг улкан салоҳияти сақланиб қолмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдор-ликнинг ўсишини, даромадларининг ўсишини ва қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитининг яхшиланишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги учун зарур инфратузилмани янада ривожлантириш: илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг самарадорлигини исботлаган инновацион ғоялар, технологиялар ва усуллар билан алмашиш тизимини яратиш. Масалан, Жанубий Кореянинг муваффақиятли амалга оширган «Янги қишлоқ учун ҳаракат» лойиҳаси аллақачон Африка ва Жануби-Шарқий Осиёда амалга оширилмоқда.

Етакчи корхоналар ва ҳудудлардан ички технологияларни жалб қилиш, минтақада махсус иқтисодий зоналарни яратиш мумкин. Жаҳон тажрибасини, хусусан, Хитой ва Ҳиндистонни тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, аграр ислоҳотга эътиборни кичик фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотишни енгиллаштиришга йўналтириш керак. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооперативлар ишини ривожлантириш ва бунинг учун зарур инновацион технологияларни жалб қилиш жараёнини енгиллаштириш керак.

Хукумат минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро сертификатлаш марказларини ташкил қилиши ва уларнинг хизматларидан фойдаланишини осонлигини таъминлаши керак, бу эса ишлаб чиқарилган мева ва сабзавотларнинг бозорини кенгайтиради, қайта ишлашни ташкил қилади ва кам таъминланган қишлоқ аҳолисининг даромадларини оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат курсатиш соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра турли мамлакат ва минтақаларда хизматлар таркиб жиҳатидан фарқ қилади.

Хизматларнинг халқаро савдосини бошқариш, тартибга солиш мақсадида Халқаро Валюта Фонди уларни икки гуруҳга ажратади:

1. Олди-сотди қилинадиган хизматлар;
2. Олди-сотди қилинмайдиган хизматлар.

Шу ўринда хизмат кўрсатиш сифатига таъриф беришда истеъмолчиларнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий эҳтиёжларини ҳам қондиришга эътибор қаратиш лозим. Агар ушбу назарий хулосадан келиб чиқадиган бўлса, хизмат сифатига қўйидагича таъриф бериш мумкин: Сервис сифати деганда жамиятнинг (одамлар, корхоналар ва давлатнинг) хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлалигича юқори савияда қондиришга қаратилган ва уларга кам харажатлар билан тегишли даражада моддий ва маънавий жиҳатдан наф келтирадиган нуқсонсиз хизматлар мажмуаси тушунилади. Ушбу таърифда хизмат сифатини тўлиқ ифода этиш учун тегишли жиҳатлар ўз ўрнини топган.

Булар қўйидагиларда намоён бўлади: Биринчидан, мазкур таърифда сервиснинг истеъмолчилари ўз ифодасини топган бўлса, иккинчидан, хизматларга бўлган эҳтиёжнинг тўлалигича юқори савияда қондирилиши лозимлиги айтилган. Учинчидан, ҳар қандай сифат кам харажатлар билан амалга оширилса мулкдор учун самарали бўлади. Шу туфайли мазкур таърифда кам харажатлар билан тегишли даражада наф келтирадиган хусусиятлар мажмуаси ҳам ўз ифодасини топган. Энг муҳими, сервис сифати деганда нуқсонсиз хизмат тушунилади. Кўриниб турибдики, сервис сифатига берилган мазкур таъриф ҳамма жиҳатларни қамраб олган.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтганимизда, хизмат кўрсатиш соҳаси одамлар ҳаётини яхшилашга қаратилган. Одамларнинг ҳаётини яхшилаш эса бениҳоя кенг қамровли жараён, шу туфайли унинг тармоқлари ва кўлами жуда кенг. Ушбу соҳа одамларга муносиб шароит яратиш билан бирга мамлакат ялпи ички маҳсулотида ҳам ўзининг сезиларли ўрнига эга бўлиб бормоқда. Зеро, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жадал ривожланиши таъминланди.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Baxtishod Xamidov (2020). O'zbekistonda kambag'allik darajasi. Kambag'allikni kamaytirish uchun nima qilish kerak. 09.06.2020.15:13.782.https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambag'allik-darajasi-kambag'alliknikamaytirish-uchun-nima-qilish-kerak.

Farmon (2017) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatiari to'pla.mi, 2017 y.7 fevral, 6-son, 70-modda

Fashiev Kh.A. Popova E.V. How to measure the competitiveness of an enterprise//Marketing in Russia and abroad. - 2003. - No. 4. - p. 53-68;

Glichev, A.V. Essays on the economy and organization of product quality management/A.V. Glichev. Essay 5. Needs, demand, quality and marketing // Standards and quality. - 1994. - No. 12. - P. 19 - 24;

Lachueva, Karina Shamilyevna. *Methodological bases for managing the competitiveness of construction products and services. Abstract of the dissertation for the degree of Ph.D. Makhachkala, 2004, 26 pages;*

Ricardo, David (1817) *On the Principles of Political Economy and Taxation. Piero Sraffa (Ed.) Works and Correspondence of David Ricardo, Volume I, Cambridge University Press, 1951, p. 135.*

Rubin Yu.B. *Competition: orderly interactions in professional business. Questions of Economics.2007;(4): 152-156;*

Zavyalov P.S., Demidov V.E. *Formula for success: marketing. -M.: "International relations", 1991. - With. 250;*

Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р. "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси". Ўқув қўлланма -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 й. Доклад (2019) ООН о Целях в области устойчивого развития.

Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 4 (2021) / ISSN 2181-1415 Candidate of Economic Sciences, Associate Professor of Namangan Institute of Engineering and Technology, Namangan, Uzbekistan.

Муҳаммедов М. (2020) 1,9 АҚШ долларидан кам маблағга кун кечираётганлар // "Zarafshon" газетаси. 2020 йил 23 июнь. 68 сон. 2-бет.

Ҳамидов Б. (2020) Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак? (Hamidov B. (2020) "Poverty rate in Uzbekistan. What should be done to reduce poverty?") review.uz/oz/au1 09.06.2020 15:13 780.